

Риёзус солиҳийн шархи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1529-ҳадис

1529 - وَعَنْ أَيِّ هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَشَرَةَ رَهْطٍ عَيْنَاءً، وَأَمْرَ عَلَيْهِمْ عَاصِمَ بْنَ ثَابِتٍ الْأَنْصَارِيَّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَانْطَلَقُوا حَتَّىٰ إِذَا كَانُوا بِالْهَدْأَةِ بَيْنَ عُسْفَانَ وَمَكَّةَ دُكَرُوا لَحِيٍّ مِنْ هُدَيْلٍ يُقَالُ لَهُمْ: بَنُو لَحِيَانَ، فَنَفَرُوا لَهُمْ بِقَرِيبٍ مِنْ مِئَةِ رَجُلٍ زَادَ، فَاقْتَصُوا آثَارَهُمْ، فَلَمَّا أَحْسَنَهُمْ وَأَصْحَابُهُ لَجُورُوا إِلَى مَوْضِعٍ، فَأَحَاطَهُمُ الْقَوْمُ، فَقَالُوا: انْزِلُوا فَأَعْطُوهُمْ بِإِيمَنِكُمْ، وَلَكُمُ الْعَهْدُ وَالْمِيثَاقُ أَلَا تَقْتُلُنِّمِنْكُمْ أَحَدًا، فَقَالَ عَاصِمٌ بْنُ ثَابِتٍ: أَيُّهَا الْقَوْمُ؛ أَمَّا أَنَا فَلَا أَنْزِلُ عَلَى ذِمَّةِ كَافِرٍ، اللَّهُمَّ أَخْبِرْ عَنَّا نِيَّكَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَرَمَوْهُمْ بِالنَّبْلِ فَقَتَلُوا عَاصِمًا، وَنَزَلَ إِلَيْهِمْ شَلَاثَةٌ تَنَفَّرُ عَلَى الْعَهْدِ وَالْمِيثَاقِ، مِنْهُمْ: حُبَيْبٌ، وَزَيْدٌ بْنُ الدَّيْنَةِ، وَرَجُلٌ آخَرُ، فَلَمَّا اسْتَمْكَنُوا مِنْهُمْ أَطْلَقُوا أَوْتَارَ قِسِّيهِمْ، فَرَبَطُوهُمْ بِهَا. قَالَ الرَّجُلُ الثَّالِثُ: هَذَا أَوَّلُ الْعَدْرِ، وَاللَّهُ؛ لَا أَصْحَبُكُمْ، إِنَّ لِي هُؤُلَاءِ أُسْوَةً - يُرِيدُ الْقَتْلَى - فَجَرُوهُ وَعَالَجُوهُ، فَأَبَيَ أَنْ يَصْحَبُهُمْ، فَقَتَلُوهُ، وَانْطَلَقُوا بِحُبَيْبٍ وَزَيْدٍ بْنِ الدَّيْنَةِ، حَتَّىٰ بَاعُوهُمَا إِمَكَّةً بَعْدَ وَقْتَهُ بَدْرٍ؛ فَابْتَاعَ بَنُو الْحَارِثِ ابْنِ عَامِرٍ بْنِ تَوْفِلٍ بْنِ عَبْدِ مَنَافٍ حُبَيْبًا، وَكَانَ حُبَيْبٌ هُوَ قَتَلَ الْحَارِثَ يَوْمَ بَدْرٍ، فَلَيْثٌ حُبَيْبٌ عِنْدَهُمْ أَسِيرًا حَتَّىٰ تَوْفِلَ بْنِ عَبْدِ مَنَافٍ قَتْلَهُ، فَاسْتَعَارَ مِنْ بَعْضِ بَنَاتِ الْحَارِثِ مُوسَى يَسْتَحِدُهُ بَهَا فَأَعْتَارَتْهُ، فَدَرَأَ بُيُّونُهَا وَهِيَ عَافِلَةٌ حَتَّىٰ أَتَاهُ، فَوَجَدَتْهُ مُجْلِسَةً عَلَى فَخِذِهِ وَالْمُوسَى بِيَدِهِ، فَقَزِعَتْ فَرْعَةً عَرَفَهَا حُبَيْبٌ، فَقَالَ: أَتَخْشِينَ أَنْ أَفْتَلُهُ؟! مَا كُنْتُ لَأَقْعَلَ ذَلِكَ، قَالَتْ: وَاللَّهِ؛ مَا رَأَيْتُ أَسِيرًا حَيْرًا مِنْ حُبَيْبٍ، فَوَاللَّهِ؛ لَقَدْ وَجَدْتُهُ يَوْمًا يَأْكُلُ قِطْفًا مِنْ عِنَبٍ فِي يَدِهِ وَإِنَّهُ لَمُوثَقٌ بِالْحَدِيدِ وَمَا إِمَكَّةً مِنْ ثَرَةٍ، وَكَانَتْ تَقُولُ: إِنَّهُ لَرِزْقٌ رَزَقَهُ اللَّهُ حُبَيْبًا.

فَلَمَّا حَرَجُوا بِهِ مِنَ الْحَرَمِ لِيُقْتَلُوهُ فِي الْحِلَّ قَالَ هُمْ حُبِيبٌ: دَعُونِي أُصَلِّي عَوْتَيْنِ، فَتَكُوْهُ، فَغَعَ عَوْتَيْنِ
فَقَالَ: وَاللَّهِ لَوْلَا أَنْ تَحْسِبُوا أَنَّ مَا بِي جَزَعٌ لَرِدْتُ، اللَّهُمَّ أَخْصِهِمْ عَدَدًا، وَاقْتُلْهُمْ بَدَدًا، وَلَا تُبْقِ مِنْهُمْ
أَحَدًا. وَقَالَ:

فَلَسْتُ أَبَا لِي حِينَ أُقْتَلُ مُسْلِمًا عَلَى أَيِّ جَنْبٍ كَانَ اللَّهُ مَصْرَعِي

وَذَلِكَ فِي ذَاتِ الْإِلَهِ وَإِنْ يَشَأْ يُبَارِكُ عَلَى أَوْصَالِ شَلُوْ مُسَرَّعِ

- كَانَ حُبِيبٌ هُوَ سَنَ لِكُلِّ مُسْلِمٍ قُتِلَ صَبَرًا الصَّلَاةَ، وَأَخْبَرَ - يَعْنِي النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ -
أَصْحَابَهُ يَوْمَ أُصِيبُوا بَحَرَمْ، وَبَعَثَ نَاسٌ مِنْ قُرْبَشٍ إِلَى عَاصِمٍ بْنِ ثَابِتٍ حِينَ حُدِّثُوا أَنَّهُ قُتِلَ أَنْ يُؤْتُوا
بِشَيْءٍ مِنْهُ يُعْرَفُ، كَانَ قُتَلَ رَجُلًا مِنْ عُظَمَائِهِمْ، فَبَعَثَ اللَّهُ لِعَاصِمٍ مِثْلَ الظَّلَّةِ مِنَ الدَّبْرِ، فَحَمَّتْهُ مِنْ
رُسُلِهِمْ، فَلَمْ يَقْدِرُوا أَنْ يُقْطِعُوا مِنْهُ شَيْئًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [3989].

فَوْلُهُ: (الهُدَأَةُ): مَوْضِعٌ، وَ(الظَّلَّةُ): السَّحَابُ، (الدَّبْرُ): النَّحْلُ.

وَقَوْلُهُ: «اَقْتُلُهُمْ بَدَدًا» بِكَسْرِ الْبَاءِ وَفَتْحِهَا، فَمَنْ كَسَرَ قَالَ: هُوَ جَمْعٌ (بِدَدٌ) بِكَسْرِ الْبَاءِ، وَهِيَ:
النَّصِيبُ، وَمَعْنَاهُ: اَقْتُلُهُمْ حِصَاصًا مُنْقَسِمَةً؛ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ نَصِيبٌ، وَمَنْ فَتَحَ قَالَ: مَعْنَاهُ:
مُتَفَرِّقَيْنِ فِي الْقَتْلِ وَاحِدًا بَعْدَ وَاحِدٍ؛ مِنَ التَّبْدِيدِ.

وَفِي الْبَابِ أَحَادِيثُ كَثِيرَةٌ صَحِيحَةٌ سَبَقَتْ فِي مَوَاضِعِهَا مِنْ هَذَا الْكِتَابِ، مِنْهَا: حَدِيثُ الْعَلَامِ
الَّذِي كَانَ يَأْتِي الرَّاهِبَ وَالسَّاحِرَ [بِرْقَمِ 35] وَمِنْهَا: حَدِيثُ جُرَيْجَ [بِرْقَمِ 226]، وَحَدِيثُ
أَصْحَابِ الْعَارِ الَّذِينَ أَطْبَقُتْ عَلَيْهِمُ الصَّحْرَةَ [بِرْقَمِ 17]، وَحَدِيثُ الرَّجُلِ الَّذِي سَمِعَ صَوْتًا فِي
السَّحَابِ يَقُولُ: اسْقِ حَدِيقَةً فُلَانٍ [بِرْقَمِ 574]، وَغَيْرُ ذَلِكَ.

1529. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн кишилик гуруҳни айғоқчи сарийя қилиб юбордилар. Уларга Осим ибн Собит Ансорийни бошлиқ этиб тайинладилар. Улар йўлга чиқиб, Макка билан Усфон оралигидаги Ҳадъа номли жойда кетишаётганда Ҳузайл қабиласидан бўлган Бани Лиҳён деб аталувчи кишиларга буларнинг кетишаётгани маълум бўлди. Улар юзга яқин чавандозлар билан ахтариб изларидан тушишди. Қачонки Осим ва унинг биродарларига Бани Лиҳённинг изидан тушгани хабари етиб келганда, улар бир маконга қочиб чиқишли. Бани Лиҳён эса уларни ўраб олди ва «Пастга тушинглар, қўлларингизни беринглар. Биз сизлардан бирортангизни ўлдирмасликка аҳд берамиз», дейишли. Осим ибн Собит: «Эй қавм мен, кофирнинг аҳдига (ишониб) пастга тушмайман. Аллоҳим биз ҳакимиизда Набиййинг соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар бер», дедилар. Душманлар камондан ўқ уза бошлашди ва Осимни ўлдиришли. Улардан уч нафари душманинг аҳдига ишониб (пастга) тушишди. Улар Ҳубайб, Зайд ибн Дасина ва бошқа бир киши (унинг исми Абдуллоҳ ибн Торик) эди. Қачонки, душман қўлга туширишингиздан кейин камонлари ипини ечиб, уларни боғлай бошлади. Бу ҳолатни кўрган учинчи киши, мана шу биринчи хиёнатдир. Аллоҳ номига қасамки, мен сизлар билан бирга кетмайман. Балки ўлганларга иқтидо қиласан, деди. Душманлар уни тортиб судрашди. Бу (яъни Абдуллоҳ ибн Торик) бирга юришдан бош тортган эди, душманлар ўлдириб юборишли. Лекин Ҳубайб ва Зайд ибн Дасиналарни олиб бориб, Маккада сотиб юборишли. Ҳубайбни, Хорис ибн Омир ибн Навфал болалари сотиб олишли. Чунки ҳубайб Бадр куни Хорисни қатл этган эди. Ҳубайб уларнинг хузурида асир бўлиб қолди. Хорисни болалари уни ўлдиришга келишиб олишли. Кунларнинг бирида Ҳубайб покланиш учун Хорис қизларининг биридан устара сўради. У хотин устара келтирди. Ўша хотиннинг бир ёш боласи ўйнаб-ўйнаб, онаси бехабар қолиб, Ҳубайбнинг олдига келиб қолди. Онаси қараса, боласи Ҳубайбнинг тиззасида турибди. Қўлида эса ҳалиги устара. Онаси қаттиқ қўрқиб кетди. Ҳубайб эса, онаси қўрқиб кетганини кўриб: «Боламни ўлдиради деб қўрқяпсанми? Харгиз бундай қиласан», деди. Шунда у хотин: «Аллоҳ номига қасамки, Ҳубайбдан кўра яхшироқ асир кўрмаганман. Ва яна Аллоҳ номига қасамки, мен унинг қўлида бир шингил узум кўрдим. Қўллари темир билан боғлиқ бўлиб, ундан тановул қилаётган эди. Ўша кунларда Маккада мева йўқ эди. Бу хотин: «Бу, Аллоҳнинг Ҳубайбга ато қиласан ризқи эди», деб айтди.

Қачонки Ҳубайбни Ҳарамнинг чегарасидан ташқаридаги Ҳилга* ўлдириш

учун олиб чиқишганда, икки ракъат намоз ўқигунча ҳоли қўйишларини сўради. Холи қўйишганда икки ракъат намоз ўқиб: «Аллоҳ номига қасамки, сизлар мени қўрқганимдан намозимни узун қилди, деб гумон қилмаганингларда эди, бундан ҳам зиёда қилган бўлар эдим. Аллоҳим! Буларни битта қўймай битиргин! Аллоҳим, бирорта қолдирмасдан барчаларини ҳалок қилгин», деб қуидаги байтни айтди.

Ўлдирилсам муслимана, чиқса жон Аллоҳ учун,

Қилмагум парво, бу жонсиз жисм қай ёнла қулар!

Буки бўлди ҳақ Илоҳ йўлида, бас, У хоҳласа,

Парча парча гўшт бўғинларга мубораклик берар!»

Хубайб ҳар бир шаҳид этилган мусулмон учун қатлдан олдин икки раъат намоз ўқиши суннат қилиб кетган эди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам буларга етган мусибат хабарини саҳобаларига хабар бердилар.

Қурайшликлар Осим ибн Собитни ўлганларини эшитиб, бирор аъзоси бўлса ҳам олиб келиш учун бир неча одам юборишиди. Чунки Осим Қурайшнинг катталаридан бирини қатл этган эди. Аллоҳ Таоло Осим мурдасига соя каби асал арини юборди. Улар Осимнинг мурдасини (душманлар етказиши мумкин бўлган заардан) ҳимоя қилишиди Душманлар бирор аъзосини кесишга қодир бўлишмади.

Имом Бухорий ривояти.

Бу бобга тегишли саҳиҳ ҳадислар ушбу китобнинг кўп ўринларида ўтди.

Масалан: Роҳиб билан сеҳргар ўртасида қатновчи бола воқеъаси, Журайж воқеъаси, ғорнинг оғзи харсанг тош билан ёпилиб қолган воқеъа ва бир кишининг булатдан: «Фалон кишининг боғини судрагин», дейилган овозни эшитгани воқеъаси каби ва бунга ўхшаш ҳадислардир.

Шарҳ: * Ҳилл – Ҳарам ҳудудидан ташқари жойлар. Ҳарам ҳудудида маълум ишлар ҳаром қилингани учун у ер «ҳарам» дейилган бўлса, унинг ташқарисида мазкур ҳаром қилингандар ишлар ҳалол бўлгани учун у ерлар «ҳилл», яъни «ҳалол» деган номни олган.

Пайғамбар алайҳисалом Маккалик мушриклардан ҳабар тўплаш учун айғоқчиликка учун кўнгиллilarни тўплаган эдилар. Шу вақтларда Лихён ўғилларининг ҳаракати ва ташвиқи билан Адал ва Қаро қабилалари Мадинага одам жўнатиб, мусулмон бўлганликларини айтиб, динни уларга ўргатиши учун одам жўнатишларини сўрашади. Пайғамбаримиз кўнгиллilarдан тузилган бу ўн кишилик жамоани у ерга жўнатдилар. Уларга Осим ибн Собитни бошлиқ қилдилар. Жамоат кечалари юриб, кундузлари дам олиб, Ҳузайл қабиласининг маконига келиб, Ражеъ деб аталган сув бошига бордилар. Шу ерда дам олиб Мадинага хос бўлган ажва хурмоларидан еб, данакларини отдилар. Хурмо данакларидан Мадиналикларининг келганидан хабар топган бир чўпон Лихён ўғилларини хабардор қилди.

Лихён ўғилларидан юзга яқин ўқчи силоҳларини олиб, мусулмон жамоатининг ортидан тушди. Ва уларни яширинган тоғнинг тепасини ўраб олдилар. Таслим бўлишса уларга тегмасликларини айтишди. Мусулмонлар биринчи ўзаро музокара қилишди. Кейин Осим ибн Собитнинг ҳам фикр бирлиги билан мушрикларги ишонмасликларини, уларга асло бўйин эгмасликларини, мушриклар билан ҳеч қачон битим тузмасликларини айтиб тўқнашишни танладилар. Бўлиб ўтган шиддатли тўқнашув натижасида Осим ибн Собит бош бўлган етти мусулмон шаҳид қилинди.

Осим Бадр ва Уҳуд жангларида қатнашган ва жуда фойда кўрсатган ғозийлардан ва маҳоратли ўқчи ҳам эди. Осим жанг қарорини олгач: «Аллоҳим! Ҳолатимизни Пайғамбарингга билдири» деган ва яраланганида «Аллоҳим куннинг бошида мен Сенинг динингни қўридим, куннинг сўнггида эса, Сен менинг жасадимни сақла» деб дуо қилган эди.

Уҳуд жангига икки ўғлини ўлдиргани учун унинг бошини олиб келганга юз тутя беришини айтган аёлдан Осимнинг жасадини ари тўдаси ҳимоялаб турар эди. Оқшом тушиб ариларни кетишини кутган душман ҳеч кутилмаган ҳодиса билан юзма-юз эди. Бирдан ёмғир ёғиб, селга айланди ва бу аснода Осимнинг жасади йўқ бўлди. Шундан сўнгра Осим арилар ҳимоялаган саҳоба деб эсланди.

Тирик қолган уч киши мушрикларининг сўзига ишониб хабар тўплаш вазифаларини бажаришлари мумкин эканлигини ўйлаб таслим бўлишди. Булар Ҳубайб ибн Адий, Зайд ибн Дасина ва Абдуллоҳ ибн Ториқ эдилар. Абдуллоҳ мушриклар билан курашишда давом этди ва мушриклар уни Макка йўлида шаҳид қилди.

Ҳубайб ва Зайдни Маккага олиб бориб, асир қатори сотиб юборишиди. Бадр жангига Ҳубайб томонидан ўлдирилган Ҳорис ибн Омирнинг ўғиллари оталарининг ўрнига ўлдириш учун Ҳубайбни сотиб олишди. Зайдни эса Саффон ибн Умайя сотиб олди. Чунки Бадрда Зайд унинг отаси Умайяни ўлдириган эди. Унинг ўрнига ўлдириш учун Зайдни сотиб олди. Шундай

қилиб бу икки мусулмон учун асирик даври бошланди.

Шу асирик вақтларида Хубайбни ўша ердаги аёл мавсуми бўлмаган ҳолда узум еганини кўрганини айтди. Аёл Бу нарса Хубайбга Аллоҳнинг бир икроми эканлигига ишонди.

Хубайнинг унга устара олиб келган болани қўлига олганига қарамасдан уни гаров қатори қўлланишга ҳаракат қилмаганилиги, уни қўриқлаётган аёлни хурсанд қилди. Хубайб аёлга: «Менга ичгани тоза сув бер ва мени ўлдиргани қарор қилишганда хабардор қил деб айтди. Хубайб мушриклар сўйган гўштидан ва тайёрлаган таомдан емасликка ҳаракат қилас әди.

Бошқа тарафдан Зубайд ибн Дасимиҳ ҳам асирик кунларини рўза тутиб ўтказаётган әди. Зубайд Саффон ибн Умайядан агар берса фақат сут беришини, бошқа нарса истамаслигини айтган әди.

Ҳарам ойларининг охирида мушриклар бу икки мусулмонни Мakkанинг ҳарам соҳасидан олисдаги Танъим деган жойда қатл қилишга қарор бердилар. Аёллар, болалар бу қатлни кўриш учун Танъимда тўпландилар. Қатлга олиб кетилаётганда бир-бирларини бир маротаба кўришларига рухсат берилган бу икки мусулмон қисқа учрашувларида бир-бирларига сабрни тавсия қилишди ва охиригача сабр-бардошли бўлишга чақиришди.

Аввал Хубайбни дорни олдига олиб келишди. Хубайб бу ерда ракат намоз ўқиб олишни сўради. У: «Ўлимдан қўрқади деб ўйлашмаганингизда эди намозимни узунрок ўқир эдим», деди. Қатл қилинадиган кимсанинг икки ракат намоз ўқиши Хубайб бошлаган одат бўлиб қолди. Хубайб унга қилинган тавсия ва динидан қайтса кўйиб юборилиши ҳақидаги сўзларга асло қулоқ солмади. Пайғамбарга содик эканлигини айтди. Бир вакт: «Аллоҳим! Сен бизга Расулингни пайғамбарлигини етказдинг. Бизга қилинган бу ҳолатни ҳам расулингга етказ!» деб дуо қилди. Пайғамбар Мадинада асҳоби билан ўтирас экан: «Ва алайҳиссалам, (Унга ҳам салом бўлсин)», дедилар. Бошқа ривоятга кўра “Ва алайҳимассалам (У иккисига ҳам салом бўлсин)”, деб айтдилар.

Саҳобаларнинг саволига Пайғамбаримиз Хубайб ва Зайднинг шаҳид қилинганини, уларнинг айтган саломига жавоб қайтарганларини айтдилар. Аллоҳ улардан рози бўлсин.

Хубайб қатл қилинишидан олдин мушрикларни дуоибад қилган әди. Ўша кун ўша ердаги мушриклар Хубайнинг баддуосидан сақланиш учун ўқдан қочгандай ўзини ерга отган, қулоқларини ёпган, бир дарахт ёки инсонларнинг орқасига яширинган эдилар.

Осим ибн Собитнинг жасадини биринчи арилар қўриқлаши, кейин эса сел сувларининг олиб кетиши, душманларининг унга тега олмаслиги, Хубайб

эса, мавсуми бўлмаган ҳолда узум ейиши, саломини ва аҳволини ўша вактдаёқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга этиши, Расулуллоҳнинг мўъжизалари ва бу мужоҳидларнинг каромати эди.

Манба: hadis.islom.uz

